O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

# Миллий Тикланиш

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси | 1999 йил, 8 июн | 23 (196)- сон

## ЎСИМЛИК ВА ИНСОН

### *БОТАНИКА БОҒИ: УНИ БИЛАСИЗМИ?*

**Яқинда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ботаника боғида «Ўсимлик ва инсон» мавзуида халқаро учрашув бўлиб ўтди. Анжуман «ЭКОСАН» халқаро жамғармаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, ЎзФА Ботаника институти ва Ботаника боғи, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини қўллаб қувватлаш ва демократлаштириш ижтимоий-сиёсий фонди ҳамда «ЭКОСАН» Рим клубининг Тошкент филиали ташаббуси билан уюштирилди. Унда жумҳуриятимизнинг таниқли олимлари, мутахассислари, турли элчихоналар ва халқаро ташкилотлар вакиллари, матбуот ходимлари қатнашдилар. Улар ўсимликлар дунёси муаммолари ва табиат муҳофазасига дахлдор маърузаларни тингладилар, шу асно Ботаника боғи фаолияти билан атрофлича танишдилар. Очиқ ҳавода барпо этилган ўзига хос бу музей Ватанимизнинг ноёб бойлиги ва ифтихори эканлигини эътироф этдилар. Уни асрабавайлаш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, боғ жамоатчилиги олдида турган муаммоларга биргаликда ечим топиш муҳим аҳамиятга молик вазифа эканлигини таъкидладилар. Шу муносабат билан қуйида ЎзФА Ботаника институти ва Ботаника боғининг директори, биология фанлари доктори, профессор Озодбек Ашурметовнинг мақоласини эътиборингизга ҳавола қилаётирмиз. Унда билдирилган фикр-мулоҳазалар, ўртага ташланган таклиф-истаклар кенг жамоатчиликни бефарқ қолдирмайди, деган умиддамиз.**

Ҳар қанча шукрона келтирсак, арзийди: бизга Ўзбекистон дея аталувчи гуллаб-яшнаган, жаннатмонанд бир ўлкада умргузаронлик қилиш бахти насиб этган. Унинг ҳудуди Қизилқумнинг жазирама саҳроларидан то Тангритоғ, Помиру Олойнинг қорли чўққилари қадар чўзилган. Оралиқдаги тақир чўллару ям-яшил воҳаларда, лалми адирлару баланд тоғ яйловларида наботот оламининг минг бир мўъжизасини учратасиз. Бу инсон ҳаётининг ажралмас бўлаги — ўсимликлар дунёсидир. Улар ниҳоятда ранг-баранг бўлиб, тўрт минг олти юз турдан ортиқроғи юксак ўсимликлар, яъни шакл жиҳатидан ер юзасида униб-ривожланувчи илдизпоя, баргли бута ёки дарахтлар, турфа хил ўт-ўланлар, уч мингдан зиёдроғи сув ўсимликларидир. Икки минг тури эса, замбуруғлар оиласига мансубдир.

Жумҳуриятимиздаги мавжуд наботот ўсимликлари ўз хусусиятларига кўра ғоят бебаҳодир. Чунончи, 350 дан кўпроқ тури озиқ-овқат, 1700 тури чорва моллари озуқаси тайёрлашда асқотади, 600 туридан дори-дармонлар, 650 туридан эфир мойи, 150 туридан бўёқ олинади. Бундан ташқари, 270 тури манзарали дарахт ёки бута ўсимлик ҳисобланса, 200 тури зираворлар, 100 тури сопонин сқловчи, 400 дан ортиқ тури эса, ошловчи моддаларга бойлиги билан ажралиб туради. Қолаверса, диёримизда ёввойи ҳолда ўсувчи 400 дан зиёдроқ ўта ноёб, жайдари ва қадимий турлар бўлиб, улар наботот оламининг 10-12 фоизини ташкил этади.

**Давоми иккинчи бетда**

## ТЎРТ ДОВОН ОШГАН ГАЗЕТА

*10 июнда «Миллий тикланиш» ҳафталик газетамизнинг чиқа бошлаганига тўрт йил тўлади.*

*Истиқлолнинг мустаҳкамланиши, тикланишимизнинг барча соҳаларда авж олиши, иқтисод, маданият, маънавият соҳасидаги улуғвор, ҳаётбахш ўзгаришлар, ўзликни таниш, янги тафаккурнинг кучайиши — булар бари газетамиз саҳифаларида ўз акс-садосини топа борди. Газета тикланиш тарғиботчисига айланди.*

*Тикланиш тарғиботчиси! Қандай ёрқин бу сўз, бу тушунча!*

*Биз ҳаммамиз Президент ғоялари, тикланиш тажрибалари ва фалсафасининг тарғиботчиларимиз. Ва тарғиботчи эканлигимиз билан фахрланамиз, юртимизни, унинг ажойиб одамларини, мақсад ҳамда вазифаларимизни тарғиб этишни ҳаётимизнинг мағзи, мазмуни деб биламиз.*

*«Миллий тикланиш»нинг жонкуяр, фидокор, ижодкор ходимларини, партиямиз фаоллари ҳамда етакчиларини, бизни ҳамиша қўллаб-қувватлаб келган ҳамкорларимиз, муаллифларимиз, ҳомийларимиз ва барча дилдош, фикрдош, жигардош ўқувчиларимизни тўрт йиллик сана билан қутлаймиз. Умид қиламизки, эл-юрт бахт-саодати йўлида ҳамкорликларимиз янги поғоналарга кўтарилади ва тобора ривож топади.*

*Келаётган янги инсон, янги фикр, янги ҳаёт барчамизга муборак бўлсин!*

**«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ»ЧИЛАР**



**Гули ғунча**

## «ИШҚ ИЧРА ЖАҲОНДА»

Марғилон узра юртимизнинг севимли ҳофизи Маъмуржон Узоқовнинг кўҳна хонишлари диллардан — дилларга ҳавоrange ланди. Бир неча кун давом этган Маъмуржон Узоқов номидаги 3-республика кўрик-танловига ҳам якун ясалди. Кўрик иштирочикчилари ҳофиз ижро этган қўшиқлардан куйладилар. Ҳар бир ижрода ҳофизнинг юракларда қолган оҳангларига томошабинлар беихтиёр жўр бўлиб ўтиришди. Танловга Ўзбекистон халқ ҳофизи Ўлмас Саиджонов раислик қилди. Кўрик эл-юртга янги овозлар, истеъдодларни ҳавола қилиб турибди:

1-ўрин — Одилов Аҳмаджон (Фарғона вилояти), Чеварова Мунаввархон (Андижон вилояти).

2-ўрин — Дилафрўз ва Сарвиноз Очиловалар (Тошкент вилояти), Исмоилов Алишер (Фарғона вилояти), Абдуллаев Адҳам (Андижон вилояти).

3-ўрин — Парпиев Аброр (Тошкент шаҳри), Халилов Абдумутал (Фарғона вилояти), Азимов Комилжон (Фарғона вилояти).

**Гўзалхон РАҲМОНОВА**

## ТОВУҚЛАРДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГИЗ!

Биз бундай деб қичқирмас эдик. Аммо аҳвол мажбур қиляпти. ТВ ва газеталарнинг хабарларида Белгияда 1999 йилда гўшт учун етиштирилган товуқлар (ғулғул товуқлар ҳам!) истеъмол учун ярамаслиги аниқланган. Европа мамлакатлари ва Россияда бундан жуда катта шов-шув кўтарилди.

Белгия ҳукумати куни кеча 1999 йилнинг 1 январидан 1 июнигача савдога чиқарилган товуқ гўшти ва тухумларини зудлик билан сотишни таъқиқлаб, шошилинч тарзда буларни йиғиштириб олишга кўрсатма берди.

Белгияда катта жанжал чиқди. Қишлоқ хўжалик ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлари дарҳол истеъфога чиқдилар, улар ҳақиқий аҳволдан хабардор бўлсалар ҳам, лекин ўз вақтида бу масалани кўтариб чиқишга журъат этмаганлар.

Ҳамма гап шундаки, Белгияда гўшт учун етиштирилаётган товуқлар диоксин деган модда билан заҳарланган. Диоксин жуда заҳарли бўлиб, у инсон организмида турли (саратон сингари) тузатиш қийин касалликларни қўзғайди. Энг ёмони, у организмдан чиқиб кетмайди. Товуқларга диоксин қаердан ўтибди? дерсиз. Белгияда товуқлар яхши семириши учун уларни суяк уни билан боқишади. Ана шу суяклардан тайёрланган ун таркибида анча миқдорда диоксин топилган. Товуқлар ва уларнинг тухумлари текширилганда, уларда кўп миқдорда диоксин борлиги аниқланган. Тухум ишлатилган бошқа турли маҳсулотларда ҳам диоксин бўлиши мумкин деган тахминда қандолат маҳсулотлари ва турли майонезлар ҳам текширувдан ўтказиляпти.

Ҳар қалай, Белгиядан шу йил ичида келтирилган товуқ маҳсулотларини сотиб олаётганда эҳтиёт бўлишга тўғри келади.

Ўзбекистон санитария назорати ходимлари бундай ҳоллардан аҳолини ўз вақтида батафсил огоҳлантириб турсалар, янада яхши! Чойлар, қандолатлар, мойлар, гўшт маҳсулотлари мунтазам, жиддий, юксак илмий назоратдан ўтказилмаса, аҳоли жуда жиддий зарар кўриши ҳеч гап эмас.

Энг яхшиси, ўз товуқларимиз! Ўз маҳсулотларимиз! Соғлиқни сақлаш глобал миқёс касб этаётган шароитда ҳар бир харидор ўз ақл-ҳушини ишлатиб, фаросат ва зийраклик билан ҳаракат қилмаса, қийин аҳволга тушиб қолиши мумкин.

Ўйламай еган, оғримай ўлар, деб халқ бежиз айтмайди.

**ЎЗ МУХБИРИНГИЗ**

**Рамз БОБОЖОН,**
**Ўзбекистон халқ шоири**

## САЛОМ, ПУШКИН

**Қўл билан тиклаб бўлмас ҳайкал қўйдинг ўзингга,**
**Халқнинг келар йўлини ўт-ўланлар қилмас банд...**
**Эркинликни куйладинг, ёлғон қўшмай сўзингга,**
**Мунофиқ мушт туйиб турса ҳам, гарчанд.**

**Довруғингдан уйғонди она-юртинг улуғ Рус,**
**Мисраларинг янграйди турли-туман тилларда.**
**Сени эслайди ҳамон, ҳаттоки, дашти тунғус,**
**Азизу муҳтарамсан элатларда, элларда...**

**Озод Ватан рубобин чала туриб субҳидам,**
**Довон оша йўллайман шогирдлик саломини.**
**Нигоҳинг тушган юлдуз-хонамда ёқилган шам,**
**Бугун билмаган борми, Республикам номини!**

**Истиқлол нашидаси юрагимда, куйимда,**
**Буюк бобомдан мерос қўлимдаги шоҳқалам.**
**Неажаб, ҳиссиётим оловланиб, ўйимда,**
**Навоийни севгандай сева олсам сени ҳам...**

**Зулумот ваҳимаси на сени қўрқитолди,**
**На кўзингдан нур қочди, на ақлингдан тафаккур.**
**Фисқ-фужур қанот ёйиб, бахтингга соя солди,**
**Сен, иблисга бош эгмай, ҳамон турасан мағрур.**

*XXI аср бўсағасида*

## КИМ СОҒЛОМ?

### ПРОФЕССОР ЭБЕРШТАДТНИНГ ДЕГАНЛАРИ

Яқинда «Лос-Анжелес Таймс» газетаси Гарвард университети профессори Николас Эберштадтнинг соғлиқни сақлаш борасидаги кузатишлари ҳақида ҳикоя қилиб берди.

Профессор ўзининг илмий кузатишлари асосида ҳозирда 147 миллионли Россия аҳолисининг сиҳат-саломатлиги ёмон аҳволда ва бу ҳол Россиянинг дунё сиёсатидаги ўрнига ҳам кўп замонлар салбий таъсир кўрсатади деб ҳисоблайди. Дунёда ҳеч бир индустрияси тараққий этган мамлакат тинчлик шароитида бундай аҳволга тушган эмас. Эберштадт бу сиёсий, иқтисодий ва ҳатто ҳарбий маънога эга деб кўрсатади. Аҳолининг сиҳат-саломатлиги иқтисодий аҳволга жуда кучли таъсир ўтказади. Иқтисодий кўрсаткичларнинг узлуксиз пасайиб бораётганлиги шундан далолат беради.

Эберштадт маълумотларига қараганда, Россияда ҳозирги кунда туғилишга қараганда, 700 минг киши ўлими кўп. 1994 йилда Россияда ўлим 1989 йилга қараганда 40 фойиз кўп бўлган. 1998 йилда бу кўрсаткич бироз камайиб, 30 фойизга тушган. Бу борада Россия ўзига қўшни мамлакатлардан ҳам орқада.

Профессор яна шундай маълумотлар келтиради:

1997 йилда ўртача умр кўриш Россияда 68 ёш, Қўшма Штатларда 78 ёш, Мексикада 73 ёшни ташкил этган. Юрак томир касалликлари (инфаркт, инсулт), турли фалокатлар, қотилликлар натижасида ўлим ортган. Бунга сабаб чекиш ва ичкиликка берилишнинг кучайишидир.

1996 йилда Россияда ичкиликбозликдан 35 минг, АҚШда 300 одам ўлган.

Агар аҳвол шу тарзда давом этса, 20 йилдан сўнг Россияда ўртача умр кўриш даражаси Осиё ва Лотин Америкасига қараганда анча паст бўлади. Ҳозир дунёда 13-ўринда бораётган Россия иқтисоди 20-ўринга тушиб қолиш эҳтимолидан узоқ эмас.

Россияда сиёсатчилар келиб кетадилар. Лекин статистика ҳақиқий аҳволдан хабардор қилиб туради.

**ЎЗ МУХБИРИМИЗ тайёрлади.**

*Партия ҳаёти*

## ФАОЛИЯТГА ФИКРЛАШИБ БОРИЛАДИ

Яқинда Наманган вилояти Миллий Тикланиш демократик партияси фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Миллий Тикланиш демократик партияси Марказий кенгашининг раёсати аъзолари Тошпўлат Тошлонов, Иброҳим Абдуғаниевлар иштирок этдилар. Йиғилишда вилоят Миллий Тикланиш демократик партияси Кенгаши раиси Исматилла Абдуллаев вилоят партия қўмитасининг ташкилий ва оммавий, сиёсий ишлари ҳақида гапирди. Тошпўлат Тошлонов Республика миқёсида Миллий Тикланиш демократик партияси Марказий кенгаши томонидан олиб борилаётган ишлар, Олий Мажлисга навбатдаги бўладиган сайловлар олдидан ўтказиладиган тадбирлар, Миллий Тикланиш демократик партиясининг маҳалла, хотин-қизлар қўмиталари, Камолот ва бошқа жамоат ташилотлари билан ҳамкорликда олиб борадиган фаолияти, ёшлар орасида кўпроқ бўлиш ва улар билан маънавият ва маърифат, истиқлол моҳияти, ватанпарварлик ҳақида мунтазам суҳбатлар уюштириб туриш лозимлиги ҳақида гапирди.

Тошкент шаҳар Миллий Тикланиш демократик партияси ташкилоти кенгаши раиси И. Абдуғаниев ўзи раҳбарлик қилаётган ташкилотнинг иш тажрибаси, кўчма раёсатлар ўтказилиб турилиши, давлатимизнинг ривожланишига оид тегишли қонун ва қарорларни ўрганишга бағишланган йиғилишлар, Собир Раҳимов, Сирғали, Мирзо Улуғбек тумани партия ташкилотларининг партия аъзолари ва кадрлар билан ишлаш тажрибалари ҳақида сўзлади.

Шунингдек, Наманган вилояти партия ташкилоти фаоллари ҳам ўзларини қизиқтирган ва ҳозирги вақтда муҳим бўлиб турган масалалар ҳақида гапирдилар. Жумладан, Янигқўрғон тумани Миллий Тикланиш демократик партиясининг раиси М. Файзиддинов, Поп туманидан Озода Раҳимова, Норин туманидан Тоҳиржон Азимов, Косонсой туманидан Ҳасанбой Ирисалиев, Уйчи туманидан Дилором Дадабоевалар партия ташкилотининг ҳозирги даврдаги фаолияти, партия аъзоларининг сафлари хусусида сўзладилар.

* * *

Ўзбекистон Миллий Тикланиш демократик партияси Тошкент шаҳар ташкилотининг навбатдаги раёсат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда шаҳардаги барча туман партия ташкилотлари раислари иштирок этдилар. Шаҳар Миллий Тикланиш демократик партияси Кенгаши раиси Иброҳимжон Абдуғаниев Олий Мажлиснинг XIV сессияси материаллари асосида жамоат ташкилотлари, жумладан, сиёсий партиялар қаторида Тошкент шаҳар Миллий Тикланиш демократик партиясининг мамлакатда олиб борилаётган иқтисодий, ижтимоий, маънавий ислоҳотлар бўйича амалга оширилаётган ишлари ва галдаги вазифалари ҳақида сўзлади.

Йиғилишда Миллий Тикланиш демократик партияси Яккасарой тумани раиси Фазлиддин Жамолов, Мирзо Улуғбек тумани партия ташкилоти Кенгаши раиси Улуғбек Амирсаидов, Юнусобод тумани партия ташкилоти Кенгаши раиси Хидирназар Облоқуловлар ўзлари раҳбарлик қилаётган партия ташкилотларининг фаолияти ҳақида гапирдилар. Йиғилиш кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

**Сайидбосит ФАЙЗУЛЛАЕВ,**
**Тошкент шаҳар Миллий Тикланиш демократик партияси Кенгаши раисининг ўринбосари**

*Мусаввир ва тасаввур*

## МУҲАББАТНИНГ СУВРАТИ БОРМИ?

Меҳр ва муҳаббат сўзини доимо ёнма-ён қўллашимиз бежиз бўлмаса керак. Бу муқаддас туйғуни шоирлар шеърларида, хонандалар айтган қўшиғида, мусиқачилар эса яратган куй-нолалари орқали таърифу тавсифини келтирадилар. Хўш, уни сувратлантирса бўладими? Албатта! Буни истеъдодли мусаввир Акмал Нур ўзининг ажойиб, дилтортар ранг-тасвир асарлари билан исботлаб берди. Унинг бу борадаги муваффақиятини Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўргазмалар залида намойиш этилаётган сара ижод намуналарини кўриб завқ олган кўп сонли тасвирий санъат ихлосмандлари ва санъатшунос-мутахассисларнинг аксарияти тан олди, десам янглишмасам керак. Чунки бунга кўргазма очилган куниёқ гувоҳ бўлдим. Томошабинларнинг юз-кўзларидан уларнинг кўнгил муносабатлари яққол сезилиб турди...

Асарларининг номланиши ҳам бир тасвир каби: «Армон», «Шоҳ Жаҳон», «Муҳаббат боғи», «Асал ойи», «Фикрнинг келиши», «Рафиқлар», «Муҳаббат тумори», «Кутиш», «Кумуш тонг», «Ишқ ояти», «Қоронғи тун нурга тўлди», «Яқинлашмоқ», «Муҳаббат ороли»...





Ўзбекистон Бадиий академиясининг ҳақиқий аъзоси Акмал Нур сўнгги ўн йилликда яратган асарлари туркумини «Ишқ — менинг саждагоҳимдир» деб номлагани бежиз эмас албатта. Мусаввир ишқни барча инсоний сифатларга ҳамоҳанг, кенг маънода — аёлга, онага, отага, фарзандга, миллатга, тарихга, Ватанга меҳр-муҳаббат, садоқат тарзида, гўзал, нафосатли талқин этади. Азалий ва абадий мавзу қамровидаги 70 та бадиий тасвирий санъат асарлари буни ёрқин намоён этмоқда. Муҳаббатнома каби ранглар оташланиб нигоҳларни чорлаб турган ушбу кўргазма 15 июнгача давом этади.

**Баҳром Турсун Тожи, рассом, санъатшунос**



Намангандаги Ахсикент даҳаси.

Турғунбек МАҲКАМОВ олган суратлар.

# БЕШ АСРНИ ЁРИТГАН ЮЛДУЗ

## «Муҳокамат ул-луғатайн» ёзилганига беш юз йил тўлди

Шу йил декабр ойида Алишер Навоий қаламига мансуб «Муҳокамат ул-луғатайн» асарининг китобат қилинганига беш юз йил тўлади. Ҳазрат асар тарихини рисола охиридаги қуйидаги рубоийда шундай кўрсатган эканлар:

**Бу номаки ёзди
қаламим тортиб тил,
Таърихин анинг
жумодиул аввал бил.
Куннинг рақами
чоршанба қилғил,
Тўққуз юз йилдан ўтуб
эрди беш йил.**

Бу рубоийдаги ҳижрий 905 жумодиул аввални милодийга айлантирсак, асарнинг ёзилган куни 1499 йил декабрининг 4, 11, 18, 25 чоршанбаларидан бирига тўғри келади. Афсуски, асар қайси чоршанбада ёзилганлиги ҳозирча номаълум. Лекин бир нарса аниқ: бу асар шоир умрининг охирида, ватан, миллат, тил ҳақида кўп қайғурган, кўп ўйлаган йиллари ёзилган. «Муҳокамат ул-луғатайн» узоқ йиллик изланишлар, кузатишлар асосида битилган. Алишер Навоий уни ёзишдан аввал ўзбек тилининг товуш тузилиши, лексикаси ва морфологияси бўйича кўп кузатишлар олиб борган. Бу ҳақда шундай деган: «Ва йиллар турк тили ва назми қоида ва услубида билмаганларимни сўруб ва мушкулларимни ҳаллоли мушкулотим тобуғида арзға еткуруб, азим фойдалар топиб, кулли натижалар кўрдум».

Ватанпарварлик туйғуси билан суғорилган ўзбек тили ҳақидаги дастлабки илмий рисолада шоир ўқувчилар диққатини қуйидаги масалаларга қаратди. 1 Ўзбек тилидаги унлилар ва уларнинг бир-бирларидан фарқи; 2 ўзбек тилига хос бўлган ундошлар; 3) илк ўзбек алифбоси; 4) ўзбек тилида сўз ясаш йўллари; 5) ўзбек тилининг сўз бойлиги.

Асарда ушбу саналган мавзулардан ташқари яна кўп масалалар ҳақида фикр юритилган. Вақти келиб улар ҳақида батафсил сўз юритилар, аммо биз уларнинг фақат биринчиси ҳақида тўхталиб ўтмоқчимиз. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Алишер Навоий ўзбек тилидаги унлиларни

*Туркий дунё фахри*

таснифлашда уларнинг талаффузидан келиб чиққан. Яъни уларни ўзбек тилининг миллий хусусиятига кўра бир-биридан фарқлаган. Шоир **а** унлиси талаффузида овознинг чўзиқлигини ҳисобга олиб, уни узун-қисқалик, бошқа унлиларни оғизнинг очилишига қараб тор-кенглик бўйича белгилаган. Шундай қилиб, Алишер Навоий биринчи бўлиб, унлиларнинг миллий таснифини яратган тилшунос ҳисобланади. Шоир асарлари ва у берган маълумотларга эътибор берилса, эски ўзбек тилида учта **а** товуши бўлганлигини кўрамиз. Улардан бири маъно ажратиш хусусиятига эга, қолганлари эса бу хусусиятдан маҳрумдир. Шуниси диққатга сазоворки, ҳар учала **а** товуши шоир асарларида махсус белгилар билан кўрсатилган. Чўзиқ **а** маддали алиф, оддий **а** алиф, қисқа **а** ҳойи ҳавваз орқали берилган.

Алишер Навоий ўзбек тилидаги тўртта ў ҳақида шундай ёзади: «Тўрки дом (тузоқ), яна тўрки андин дақиқ (ингичка, тор) роқ-дурки, қуш ўлтурур йиғочдур ва тўрки андин дақиқроқдур, уйнинг тўридур ва тўрки барчадин ариқ(ингичка, тор)дур, тўрлуғин ё эшикни тўрмак уйидур». Бу мисол эски ўзбек тилидаги **ў** унлилари бир-бирларидан оғизнинг тор-кенглиги бўйича фарқланганлигини кўрсатади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бу иқтибосдаги дақиқ ва ариқ сўзлари тор, ингичка маъносида ишлатилган. Уларни олд қатор, орқа қатор деб талқин қилиш ҳақиқатга хилоф. Яна қайтарамиз, бу унлилар эни бўйича тор-кенглик, узунлиги бўйича узун-қисқалик билан фарқланмоқда. Яъни тор, узун-қисқалигини зукколик билан пайқаган «Чиғатой гурунги» аъзолари 20 йиллардаёқ уларни «тўғри чўзғи» атамаси билан номлаган эдилар. Шўро мафкураси талаби билан Алишер Навоий келтирган юқоридаги мисоллар ўзбек тилидан узоқлаштирилиб, европа тиллари қолипига солиниб тасниф қилина бошланди. Худди шу мисолларни шўро олимлари бизга сингармонизм деб тақдим қилдилар. Улар шоирнинг юқоридаги фикрини тескари изоҳлаб, бу товушлардан бири тил олди **ў**, иккинчиси тил орқа **ў** деб, талқин қилдилар. Ҳамма нарсага кўникишга мажбур бўлган олимларимиз бу фикрга ҳам ишона қолдилар. 1946- йилдан бошланган бу хато ҳанузгача дарсликларимизда давом этиб келмоқда. Алишер Навоий асарларидаги унлилар шундан бери тил олди **а**, тил орқа **а**, тил олди **ў**, тил орқа **ў** деб тасниф қилинмоқда. Ачинарлиси шуки, биз бугун ўқувчиларга Алишер Навоий тилида иккита **а**, иккита **у**, иккита **и** бор деб нотўғри билим бераяпмиз. Ваҳоланки, тил, тиш ҳақида мукаммал тушунчага эга бўлган Алишер Навоий унлиларнинг талаффузида на тил, на тиш иштирок этиши ҳақида бирор сўз ёзмаган, Ҳазрат **и** ва **э**, чўзиқ **и** товушларини ҳам узун-қисқалик билан фарқланишини кўрсатиб, шундай ёзган эди: «бэз сўзида **э**, биз калимасида **и**, бииз (бигиз) каломида чўзиқ **и** унлиси ишлатилган.

Шўро олимлари бу мисолларни ҳам ўзларича изоҳлаб, уларнинг бири тил олди, иккинчиси тил орқа унлиси деб талқин қилдилар. Улар ўз илмий ишларида шоир асарларининг иккита **а**, иккита **у**, иккита **ў**, иккита **и** билан ёзилишини кўрсатиб бердилар. Шундан бери шоир асарларини биз ҳам ўз илмий ишларимизда ана шу қоида билан ёзиб келмоқдамиз. Бу қоидага биноан Алишер Навоийнинг «Маҳбуб-ул-қулуб» асаридаги «Анинг ишқини берк тутмоқ керак, йана бор-у йўқни унутмак керак» деган байти тил тарихига оид ишларда мураккаб белгилар билан берилмоқда: **«Анинг ишкыни бэрк тутмак кэрак, йана бар-у йокны унутмак керак»**. Яна бир мисол: Ҳазратнинг «Фарҳод ва Ширин» достонидаги «Навоий фоний ўл, истар эсанг ком, нечук ким бўлдилар Фарҳоду Баҳром» байти тилимиздан узоқлаштирилиб, қуйидагича ёзилмоқда: **Навоий фаний ол, истар эсанг кам, нэчук ким болдылар Фарҳад-у Баҳрам.**

Хуллас, Алишер Навоий асарларини сингармонизм асосида ёзиш бутунлай нотўғридир. Ёшларимиз биз қилган хатоларни тузатиб, улуғ санъаткор асарларини тилимизга яқинлаштириб нашр қилишлари керак. Шундагина ҳақиқат қарор топади.

**Эргаш УМАРОВ,
профессор**

# КЎК ЭШИГИ ОСТИДА

## *АСР БОШИ МАТБУОТИ ВА ЖАДИДЧИЛИК*

1826 йилда туркий тилдаги илк газета — «Жаридаи ҳаводис» чиқа бошлаган эди. Шундан сўнг яна бир қанча газета ва журналлар нашр қилинди. 1883 йилда эса 10 апрел Русия мусулмонлари тарихида матбуот куни деб аталди. Чунки шу куни туркий матбуотнинг энг улуғ нишони — «Таржимон» дунё юзини кўрди.

1908 йил Оренбургда «Шўро» журнали таъсис этилди. Шарқ матбуотининг салкам юз йиллик анъаналарини давом эттириб, унга Европа демократиясининг ижобий жиҳатларини олиб кира бошлаган бу журнал тез орада бутун турк дунёси эътиборини ўзига жалб қилди. Журнал муассислари ўша даврдаги татар буржуазиясининг энг таниқли вакиллари, олтин фабрикасининг эгалари ака-ука Зокир ва Шокир Рамиевлар эди. Татар зиёлиларининг энг илғор намояндаларидан бўлган Ризоиддин Фахриддин бу журналга муҳаррирлик қилганди.

Зокир Рамиев — XIX аср охири XX аср бошларидаги татар адабиётининг кўзга кўринган вакилларидан, ҳассос шоир. Унинг нафис қалами билан ёзилган шеърлар фалсафий теранлиги ва бадиий гўзаллиги билан ажралиб туради. «Дардманд» тахаллуси билан ижод этган бу шоир шеъриятини кўпчилик Чўлпон ижодига ўхшатишган эди.

Шокир Рамиев — ўша пайтдаги етакчи нашрлардан бири — «Вақт» газетасининг асосчиларидан. «Вақт» матбаасининг эгаси. Уни ва унинг газетасини Туркистонда жуда яхши билар эдилар.

Ризоиддин Фахриддин — машҳур татар маърифатпарвари, моҳир журналист. Асримиз бошларида Туркистонда уни танимаган, асарларини ўқимаган зиёлини топиш қийин эди. Жадидчилик ғояларининг илғор тарғиботчиларидан бўлган бу улкан шахс аввал ўз асарлари, қолаверса, «Шўро» журнали воситасида Туркистон жадидчилигига катта таъсир кўрсатди.

Ана шундай тараққийпарварлар назари остида чоп этила борган «Шўро» журналининг савияси ҳам ана шунга хос бўлди. «Шўро» 1908 — 1917 йилларда Оренбургда «Вақт» матбааси томонидан ҳар ойнинг биринчи ва ўн бешинчи кунлари рангли муқовада нашр этилиб турган. Унинг биринчи сонида журналнинг йўналиши, мақсади хусусида муҳаррир томонидан шундай сўзлар битилади: «Шўро»нинг маслаги кучи етганча қадар Русия мусулмонларининг саодатлари ҳақинда хизмат этмакдан иборат бўлиб, мақсади ўқувчиларни рози қилмоқ учун сабот ва ғайрат кўрсатмоқдир», [1] (муҳаррир «Русия мусулмонлари» деганда Туркистон аҳолисини



ҳам назарда тутмоқда). Ўн йил давомида журнал ўзининг ана шу маслак ва мақсадини тўлиқ амалга оширди. Муҳаррир изоҳлаганидек: «Шўро» миллатни илмли, маърифатли этмак ҳақинда машварат мажалласи ўла чиқадир. Истаган одам ушбу мажлисда сўйлар ва истаганлар тинглар»[2] эди.

Журнал давр зиёлиларига эркин сўз айтиш учун янги имкониятлар берди. Унда жаҳон фани, ижтимоий-сиёсий ҳаёти, маданий янгиликлари акс этди. Шу сабабли ҳам тез орада «Шўро» бутун Шарққа кенг тарқалди. Журнал ўз саҳифаларида Туркистон мавзусига катта ўрин ажратди. Ўн йил давомида Туркистонга оид 138 мақола эълон қилинди. Ўлкамиздан борган 90 та мактуб, 71 та бадиий асар, 21 та хабар нашр қилинди, 112 муаллиф бу борада қалам тебратди. Улар орасида Нўширавон Евушев, Аҳлулло Хайрулло ўғли, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Ҳожи Муин Шукрилло кабилар айниқса фаол иштирок этдилар. Бошқа ҳеч бир ўлкага журнал бу қадар диққат қаратмаган эди.

Бир мисол. 1917 йил феврал — ноябр оралиғида «Шўро»да Туркистон мухторияти» масаласи қизғин муҳокамада бўлди. Биргина шу мавзуга бағишлаб 5 та мақола ва яна бир қанча хабар ва мактублар эълон қилинди. Мирмуҳсин Шермуҳаммедов, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Алижон Тиришқовий каби зиёлиларнинг мухторият тўғрисидаги мулоҳазалари мунтазам бериб борилди.

«Шўро»ни ўрганиш жараёнида биз бугунги адабиётшунослигимизга номаълум бўлган айрим материалларга дуч келдик. Булар: Муҳаммадшариф Сўфизоданинг «Асфандиёрхон» шеъри (1911 йил, 12-сон), Чўлпоннинг «Ўш» номли очерки ва «Умид» номли шеъри. «Асфандиёрхон» шеърини адабиётшунос олим Шерали Турдиев «Адабий ҳамкорлик самаралари» китобида Сўфизоданинг «Шўро»да босилиб чиққан бошқа асарлари қаторида тилга олади. Бироқ унинг матни бизда эълон қилинмаган. Мусаддас жанрида ёзилган бу шеър, 6 банддан иборат. Тагига «Қўнғиротда маълум Сўфизода Муҳаммадшариф» деб имзо қўйилган. Англашиладики, шеър шоирнинг қувғинда юрган даврида ёзилган ва бу давр Хива хони Асфандиёрнинг тахтга чиқуви вақтига тўғри келган. Биринчи қарашда бу асар мадҳияга ўхшаб кетади. У Асфандиёрхон ҳақида ёзилган бошқа танқидий руҳдаги асарлардан анча фарқ қилади. Хусусан, ҳар банднинг охирида такрорланиб келувчи:

**Асфандиёрхон
Абулнаср ва
Алазафар
Хоразма верди
равнақ, адли ила
зебу фарЗ**

мисралари ўқувчига бироз эриш туюлиши табиий. Аммо бир нарсани қайд этиш лозим, бу шеър Асфандиёрхон тахтга эндигина чиққан, ҳали унинг зулм ва адолатсизлик устига қурилган ҳокимияти кўпчиликка аён бўлмаган даврда ёзилган. Шу сабабли бу мусаддасни золим шоҳларни ноўрин мадҳ этувчи бошқа асарлар қаторига қўйиш ноўрин туюлади. Қолаверса, шеърдаги:

**Вордир умидимиз
кена[4] ҳоқон иззу
жоҳ[5]
Этмаз деюб раия
ҳуқуқини ҳоки роҳ...**

ёки

**Адли ила ўлса
шоҳи жаҳон
ўйлаким қуёш,
Қонуна қаршу ким
эдажак фитна
ва талош.**

Сатрларини ўқиб, шоирнинг мақсади мадҳия ўқиш эмас, янги ҳоқон олдида ўзининг адолатли ҳокимият борасидаги орзу-умидларини баён қилиш экан, деган хулосага келиш мумкин. Шеър «Шўро»дан бошқа ҳеч қаерда чоп этилмаган. У биздаги Сўфизоданинг ягона тўпламии — «Тароналар»га ҳам киритилмаган.

Чўлпоннинг «Ўш» очерки ва «Умид» шеъри ҳам «Шўро»дан бошқа ҳеч қаерда чоп этилмаган, «Ўш» очеркини Озод Шарафиддинов унинг «Яна олдим созимни» китобига ёзган сўзбошисида «бизга маълум» дейди. Аммо манба кўрсатилмайди. Бу очерк «Шўро»нинг 1915 йил 9-сонида эълон қилинган. Унда Ўш вилоятининг географик ўрни, аҳолиси ҳақида маълумот берилади. Яна Ўшдаги «Тахти Сулаймон» зиёратгоҳи, халқнинг унга бўлган кўр-кўрона эътиқоди, бемаъни расм-русмлари ҳақида танқидий фикрлар баён қилинади. Маълумки, «Қурбони жаҳолат» хронология жиҳатидан ҳозирча Чўлпоннинг илк бадиий асари ҳисобланади. У 1914 йил 29 апрел куни «Садойи Туркистон» газетасида эълон қилинган. «Умид» шеъри эса шу йили 15 май куни чиқади. Демак, бу шеърни Чўлпон ижодининг илк даврига оид асарлар қаторида санашимиз мумкин. 24 мисрадан иборат, бармоқ вазнида ёзилган бу шеърда ўн етти яшар шоирнинг қалб туғёнлари, орзу-умидлари, ёшлик ғайрати акс этиб турибди:

**Ошар эдим, кўк
қопусин [7] очар
эдим,
Туркистонға илм
нурин сочар
эдим.**

Шунингдек, унда баркамол истеъдоднинг куртаклари кўринади. Шеър остига «Қаландар. Тошкент» деб ёзиб қўйилган.

Кўринадики, «Шўро» журнали Туркистондаги жадидчилик ҳаракати ривожига катта таъсир кўрсатган. У бутун Шарққа Туркистондан хабар берди, миллатни жаҳон фани, маданияти, санъати дурдоналари билан ошно этди.

**Шаҳноза СОАТОВА,
ТошДУ талабаси**

**1. Ризоиддин бин Фахриддин. Мақсад ва маслаги. «Шўро» журнали, 1908 йил, 1-сон.
2. Ўша мақола.
3. Фар-тож.
4. кена.. ки, яна.
5. иззу жоҳ-куч ва мансаб, 6, хоки роҳ-оёқ ости.
7. Қопу-эшик.**

*Маънавий булоқларимиз*

# КЎП ЎЧМАСЛИК НИШОНИМ БОР

Миллий мустақиллик шарофати билан халқимиз маънавиятининг азим ва ҳаётбахш сарчашмалари қайтадан кашф этилмоқда. Ана шундай маънавий булоқлардан бири чимёнлик Хожаназар Ғойибназар ўғли ҲУВАЙДОнинг бадиий-фалсафий меросидир. XVIII аср ўзбек адабиёти ва тасаввуф фалсафасининг таниқли вакили бўлган Ҳувайдо Фарғона туманидаги Чимён қишлоғида туғилиб, Ўш шаҳрида — бобоси қўлида тарбия олди. Тасаввуф таълимотини эса, отаси Ғойибназар эшондан ўрганди. Ғойибназар эшон йирик уламо бўлиб, кошғарлик машҳур шайх Офоқхожанинг муриди эди. Носеҳ Чимёнийнинг ёзишича, Ҳувайдо Чимёнда мактабдорлик қилган, тасаввуфнинг нақшбандия тариқати ғояларини кенг тарғиб этган ва уни янги мазмун билан бойитган.

Афсуски, кейинги йилларда эълон қилинган айрим илмий мақола, дарслик ва нашрларда шоир исмини «Хўжаназар» ва «Хўжамназар» тарзида хато ёзиш ҳоллари ҳам учраб турибди. Адабиёт тарихига оид қўлланма ва дарслик муаллифлари эса, Ҳувайдонинг туғилган йили номаълум, деб кўрсатаяптилар.

Биз яқинда Ҳувайдо девонини нашрга тайёрлаш жараёнида олиб борилган изланишлар оқибатида мазкур масалага аниқлик киритиш мумкин, деган тўхтамга келдик. Гап шундаки, Ҳувайдо бир ғазалида ўзининг неча йил умр кўрганлигига ишора қилиб «Эллик яшаб, олтмишга етиб, зарра амал йўқ, Ўлмак хуш эрур мангоки, дунёға тўйибман» деб ёзадики, бизнингча, «Ҳувайдонинг туғилган йили номаълум» дейишдан кўра мазкур далилларга асосланиб, «шоир тахминан 1720 йиллар атрофида туғилган ва 60 ёшдан ўтиб, Чимён қишлоғида вафот этган», дейиш мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари, Ҳувайдонинг шогирди бўлган мавлоно Носеҳ Чимёний устози вафотига бағишлаб ёзган таърих-марсиясида «Хирад устоди таърих вафотин, битибдур «ғойиб ўлди қутби ходий», — деб қайд этади. Яъни, Ҳувайдонинг 1780 йилда вафот этганлигини кўрсатади. Бу далил ҳам тахминимиз ҳақиқатга яқин эканлигидан далолат беради.

Ҳувайдонинг шеърларидан маълум бўлишича, у араб ва форс тилларини мукаммал билиш билан бир қаторда ўзбек мумтоз адабиётини, диний адабиётни, Қуръон ва ҳадисларни пухта ўзлаштирган. Ўзининг ноёб истеъдоди ва инсоний фазилатлари туфайли халқ орасида Эшон Ҳувайдо деб ном қозонган. У тасаввуфнинг инсонпарварлик, маърифатпарварлик ғояларини кенг тарғиб этишда шеъриятнинг барча имкониятларидан моҳирлик билан фойдаланган, комил инсон шахсини шакллантиришдек ғоят муҳим ва мураккаб масалага янгича ёндашган. Шоир ижодий мероси шу қадар бой ва кўпқирралики, таниқли адабиётшунос Тўхтасин Жалолов таъкидлаганидек, унинг ижоди тўғрисида йирик асар яратмай туриб, талабчан ўқувчини қониқтириш амримаҳолдир.

Ҳувайдонинг ижодий мероси XX аср бошларида Ғарб олимларининг ҳам эътиборини тортган ва ана шу қизиқишнинг илк самараси сифатида 1902 йилда Берлинда немис шарқшуноси Мартин Хартманнинг «Ҳувайдонинг чиғатойча девони» номли асари немис тилида босилиб чиққан. 1927 йил Тошкентда рус шарқшуноси М.Ф. Гавриловнинг «Среднеазиатский поэт и суфий Хувайдо» деган китоби нашр қилинди. Шоир куллиёти «Китоб эшон Ҳувайдойи Чимёний» номи билан Стамбул, Қозон ва Тошкент босмахоналарида кўп марта нашр қилиниши ҳам халқимиз томонидан Ҳувайдо асарларининг катта қизиқиш билан мутолаа қилинганлигидан гувоҳлик беради.

Ҳувайдо замонасининг йирик дин арбоби, истеъдодли шоири, улуғ мутафаккири, нақшбандия тариқатининг изчил давомчиси сифатида хон саройидан олисроқда, оддий авом халқ орасида яшашни, унинг дардига малҳам бўлишни афзал кўрди. Бева-бечора ва мискинлар манфаатини ҳимоя қилди, бир ғариб кўнгилни шод этишни Каъба зиёратидан яхшироқ деб билди:

**Бир ғариб кўнглини шод айласанг,
Йўл босиб, Каъба сари бормоқ абас.**

Маълумки, мумтоз шоирларимиз ижодида мол-дунёга ҳирс қўйиш, бойлик ортидан қувиш қаттиқ қораланган. Ҳувайдо шу ғояни давом эттириб ёзади:

**Берма дунёга кўнгил, ҳеч кимга қилган
йўқ вафо,
Ким кўнгил берди анга, бўлди Худодин
бехабар.**

Шоир бир шеърида «аҳли донишлар назарида пул ва мол ўлим тузоғига қўйилган дондир, уни териб олдим деб хурсанд бўлма, у тузоқдан қоч», деб уқтиради. Жамият ҳаётидаги ўта салбий иллатлардан яна бири ёлғончилик, фирибгарлик ва каззобликдир. Бу иллатлар туфайли қанчадан-қанча софдил кишилар азият чекадилар, бундан ҳатто ёлғончиларнинг ўзлари ҳам омон қолмайдилар. Ўз салафлари изидан борган Ҳувайдо шеърларида ахлоқ-одоб, маънавият, маърифат масалалари алоҳида ўрин тутади. Шоир ўз асарларида ҳалоллик, поклик, ростгўйлик, диёнат, инсоф, бировнинг ҳақига хиёнат қилмаслик, етим-есир ва камбағал-мискинларга меҳр-шафқатли бўлиш каби олижаноб инсоний фазилатларни кенг тарғиб қилади. Нопоклик, маиший бузуқлик, ўғрилик, тилёғламалик, риёкорлик, лаганбардорлик, айниқса, кибру ҳаво, мутакаббирлик сингари жирканч иллатларни қаттиқ қоралайди.

Ҳувайдо ошиқ шоир, лекин ундаги ишқ Аллоҳга бўлган ишқдир. Бу йўлда шоир чексиз жабру жафоларга дуч келади, азоб чекади, чўлу биёбонларни кезади, саҳарлар оҳ уриб кўз ёшларини тўкади, нолаю фарёд қилади: оҳ урганида оҳ ўти осмон шифтига етади, унинг шиддатидан осмон садо қилиб, булутлар йиғлайди:

**Оҳ урсам, сақфи гардунга тегар оҳим ўти,
Шиддатидан ўт чиқиб, айлар садо,
йиғлар саҳоб.**

Ҳувайдо ҳаётини ҳалол меҳнат ва тоат-ибодат билан ўтказган, тақводор инсондир. Шунга қарамай, шоир ўзини тамом гуноҳкор, ҳаммадан паст, умрида савоб иш қилмаган, тоат-ибодатсиз ўтган осий банда деб ҳисоблайди:

**Ҳайф, умрум фоний дунё деб адо
қилдим ғалат,
Билмадим гавҳарни қадрин, кам баҳо
қилдим ғалат...
Хайру эҳсон, тоат айлаб, Ҳақ ризосин
топмадим,
Ҳосил айлаб мақсадим, нафсим ризо
қилдим ғалат.**

Ҳувайдо шеъриятида «май», «майхона», «соқий» образлари кўп учрайди. Бу мумтоз адабиётимизга хос анъанавий мавзу бўлиб, бундай шеърлар ёзган мутасаввиф шоирлар асарларидаги «май», «майи ваҳдат» — Аллоҳ номини зикр этиш, унинг муқаддас номи билан сармаст бўлиб юриш ва шу орқали тасаввуфнинг оғир ва машаққатли йўлларини босиб ўтиш, Аллоҳнинг васлига етишиш, унинг дийдорига мушарраф бўлиш тимсолидир. Ҳувайдо шеъриятидаги майни ҳам ана шу маънода тушуниш лозим.

Ҳувайдо ғазаллари бадиий жиҳатдан ғоят пишиқ-пухта бўлиб, уларда турли бадиий санъатлардан моҳирона фойдаланиш, тил безаклари, сўз ўйинлари, Қуръон ва ҳадислардан ўринли фойдаланиш, араб ҳарфлари ёрдамида турли мажозий иборалар яратиш кўзга яққол ташланиб туради. Шоирнинг арабий, форсий ва туркий тилларни қанчалар пухта билганлиги унинг бадиий маҳоратида ўз ифодасини топган. Ҳувайдо шеъриятининг бадиий хусусиятлари, унинг тили ҳақида ҳали махсус тадқиқотлар олиб бориладиган, деган умиддамиз.

Ҳувайдо ўз шеърларини мумтоз ўзбек адабий тилида ёзди. Унинг тасаввуфий иборалари, шеърий услуби кўпроқ Аҳмад Яссавий ва Машраб анъаналарини давом эттирганлигидан дарак беради. Масалан, шоир «Мано» радифли ғазалини Аҳмад Яссавийга назира қилиб ёзган бўлса, «Қуяр», «Қуйгай» радифли ғазалларини Машраб услубида яратди.

Ҳувайдо асарлари ўз вақтида қўлёзма шаклида кенг тарқалган, баёзларга киритилган. Унинг шеърлар девони қўлёзмалари республикамиз ва Яқин Шарқ мамлакатлари кутубхоналарида сақланади. Биргина республикамиз Фанлар академиясининг Шарқшунослик институтида шоирнинг еттита қўлёзма девони сақланяпти.

Хожаназар Ҳувайдо «Роҳати дил» номли шеърий достон ҳам ёзган. Достон диний масалаларга бағишланган бўлиб, Аллоҳга бағишланган ҳамду сано билан бошланиб, пайғамбар шарафига наът, чаҳорёрлар ҳақида маълумотлардан кейин қиёмат, жаҳаннам, жаннат баёнлари берилган. Сўнг пайғамбарлар, машҳур саҳобалар, авлиёлар ҳақида ибратли ҳикоялар келтирилиб, инсон ҳаёти учун зарарли ва гуноҳ ишлар бўлган ичкиликбозлик, бойликка ҳирс қўйиш, ёлғончилик, зино каби иллатлар қаттиқ қораланган. Бундай иллат ва нуқсонларнинг ёмон оқибатлари ҳаётий мисоллар ва ибратли ҳикоялар орқали кўрсатилган. Мазкур достон чуқур фалсафий мушоҳадаларга бой бўлиб, баркамол инсон шахсини камол топтиришда муҳим маърифий ва тарбиявий аҳамиятга эгадир. Ҳувайдонинг «Роҳати дил» достони 1994 йили шарқшунос олим Саидбек Ҳасан томонидан ҳозирги ўзбек имлосида кўп нусхада нашр этилди. Бироқ, афсуски, ноширлар матнни яхши ўқий олмаганликлари туфайли жуда кўп қўпол хатоларга йўл қўйилган. Шунинг учун ҳам уни Ҳувайдонинг тўлиқ девони билан биргаликда қайта нашр этиш зарурияти бор.

Мустабид совет тузуми даврида халқимизнинг миллий, маданий ва диний қадриятлари поймол этилди, тасаввуф адабиёти ва фалсафаси ҳақида сўз юритиш, тадқиқотлар олиб бориш таъқиқланди, буюк истеъдод эгалари бўлган Аҳмад Яссавий, Сўфи Аллоҳёр қатори Ҳувайдо ижоди ҳам диний-мистик адабиёт вакили сифатида деярли ўрганилмади.

Академик Воҳид Зоҳидов ва Суйима Ғаниевалар томонидан нашрга тайёрланиб, 1961 йили Тошкентда чоп этилган Ҳувайдонинг «Танланган шеърлар»и тўпламига 72 ғазал ва 11 рубоий киритилган бўлиб, сермаҳсул шоир ва мутассаввуфнинг бадиий маҳорати ва фалсафий қарашлари ҳақида тўлиқ тасаввур бера олмас эди. Бунинг устига ўша давр руҳи билан мазкур китобчага ёзилган «Сўз боши»да муаллифлар ҳукмрон мафкура тазйиқи остида шоир ижодига нохолис ва бирёқлама, танқидий ёндашган эдилар.

Ҳувайдонинг фалсафий ва диний-ахлоқий қарашлари кенг халқ оммасининг маънавияти ва маърифатини юксалтирмай туриб, жамиятда социал адолатни қарор топтириб бўлмайди, деган ғоя асосига қурилган эди. Шунинг учун ҳам шоир замона носозликлари ва ноҳақликларнинг асл сабабларини маънавий қашшоқликдан, илмсизлик, нодонлик ва имон-эътиқодсизликдан излади. Кишиларни маънавий камолотга етишмоқ учун вужуд саҳросини босиб ўтишга, нафс балосидан қутулиш ва қалб уйини поклашга даъват этди.

Баркамол авлодни тарбиялаш, халқимизни ўзи яратган маънавий қадрият сарчашмаларидан баҳраманд этиш умумдавлат сиёсатига айланган ҳозирги шароитда Ҳувайдо девонининг тўлиқ ҳолида чоп этилиши муҳим маърифий ва тарбиявий аҳамиятга моликдир.

Шоирнинг биринчи тошбосма девони унинг чевараси шоир Салоҳиддин Соқиб томонидан 1907 йили Тошкентда «Китоби эшон Ҳувайдойи Чимёний» номи билан чоп этилган бўлиб, унга «Роҳати дил» достони ҳам киритилган. Мазкур куллиётга Соқиб, Сирожий, Офоқхожа, Умархон, Муҳаммад Алихон, Фитрат Ҳўқандий, Шайх Низомиддин, Имом Раббоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Ҳофиз, Ғавс-ул Аъзамларнинг вафот таърихлари, Жомий, Хожи Муҳйиддин, Номий, Акмалхон Тўра, Хожавий Кирмоний, Бадр Журмий, Хожа Шамсиддин каби шоирларнинг форсий ва туркий ғазаллари, ҳикматлар, ахлоқ ва одобга оид ҳикоялар киритилган. Девон охиридаги ҳикоя ва ғазаллар ҳам Ҳувайдо қаламига мансубдир. Китоб охирида Салоҳиддин Соқиб куллиётнинг чоп этилиши ҳақида маснавий ёзган. Унда мазкур куллиёт таниқли хаттот Муҳаммад Шоҳмурод Котиб (1850—1922 йиллар) томонидан 1907 йили кўчирилиб, чоп этилгани кўрсатилган. Куллиётга Ҳувайдонинг 374 ғазали, 100 дан ортиқ мураббаъ, рубоийси, 3 та мухаммаси, бир мусаддаси, бир мусаммани, 2 та мустазоди киритилган.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, мазкур мақола муаллифлари томонидан Салоҳиддин Соқиб нашр қилдирган девон асосида ҳозирги ёзувда Ҳувайдонинг тўлиқ девони нашрга тайёрланди. Юқорида эслатилган ЎзФА Шарқшунослик институтида сақланаётган шоир девони қўлёзмаларидан иккитаси қиёсий ўрганилиб, иштибоҳли ўринларга аниқликлар киритилди ҳамда арабий ва форсий сўзларга изоҳлар берилди. Ҳувайдо руҳини шод этиш, унинг ижодий меросини кенг тарғиб этиш миллий зиёлиларимиз учун маънавий бурч ҳисобланади.

Ҳувайдо ўлмас асарлари билан халқимиз маънавий оламини тонг юлдузи сингари ёритиб турибди. Бу юлдуз сизу бизга гўё шундай демоқда: «Чароғи субҳидам янглиғ кўп ўчмаслик нишоним бор».

**Исматулла АБДУЛЛАЕВ,
профессор,
Қодирқул РЎЗМАТЗОДА,
доцент**

